

Тавоф масалалари

05:00 / 16.01.2017 16588

نَمُّ أَوْحَاتٍ وَأَنْمُ أَوْسَانٍ لِّلَّ عِبَائِمَ تَبْلُ الْإِنْلَعَجْ ذِإْو

لَّيْعَامَسِإْو مَيَهَارْبِإِلَّيْلِإِنْ دَعَوَّيْلَصُّم مَيَهَارْبِإِمَاقِّم

دُوَّجَّسَلَّعْ كُرْلْأَوْ نِيْفِكْأَعْلْأَوْ نِيْفِيْئِاطْلَلَّيْتِيْبَ أَرَّهَطْ نَأ

“Ёд этинг, Биз Байтни (Каъбани) инсонларга савоб қозониш (бир тан, бир жон бўлиш учун жамланиш) ва омонлик маскани қилдик. Сизлар мақоми Иброҳимдан бир намозгоҳ қилиб олинглар (у ерда намоз ўқинглар). Иброҳим ва Исмоилга эса: «(Ибодат қасди ила Каъбани) тавоф этгувчилар, эътикофга чекилгувчилар, рукуъ ва сажда қилгувчилар учун Менинг (бу) Уйимни пок тутингизлар!» - деб амр этдик”.

(Бақара, 125)

Тавоф турлари

Тавофнинг жами етти тури бор:

1. Тавофи қудум. У тавофи лиқо ёки тавофи вуруд ҳам дейилади. Бу ифрод ва қирон ҳажи қилувчи офоқийларга суннат, аммо аҳли Макка, таматтуъ ёки умра қилувчи офоқийга суннат эмас. Бу тавофнинг сурати шуки, мийқотнинг ташқарисидан келиб, ифрод ҳажини қилувчи киши Байтуллоҳи шарифга кириши биланоқ тавоф қилади. Бу ифрод ҳажи қилувчининг тавофи қудумидир. Шунингдек, қирон ҳажи қилувчи киши мийқотдан ҳаж

ва умра – иккови учун эҳром боғлаб келиб, аввал умра арконларини, яъни умра тавофи ва саъйини бажаради. Кейин Каъбатуллоҳга келгани учун нафл тариқасида бир тавоф қилади. Бу қирон ҳажи қилувчининг тавофи қудуми ҳисобланади.

Демак, қирон ҳажи қилувчига суннат бўлган амал тавофи қудумни умрадан олдин эмас, балки умрадан кейин қилиши экан ("Биноя", "Ғунятун носик").

2. Тавофи нафл. Нафл тавоф ҳар ким хоҳлаган пайтда қилиши мумкин бўлган тавофдир. Унинг учун бирор вақт белгиланган эмас ("Муаллимул ҳужжож").

3. Тавофи вадоеъ. У тавофи садар ҳам дейилади. Унинг маъноси мийқотнинг ташқарисидан ҳаж учун келувчи (офоқий) сафар охирида, яъни ватанига қайтишидан олдин Байтуллоҳни бир тавоф қилмоғидир. Мазкур тавоф ҳаж қилиш учун келган ҳар бир офоқийга вожибдир. Албатта, ҳайз ёки нифос ҳолатидаги аёлга бу тавоф лозим эмас.

Яна бу тавоф Макка, ҳил ва мийқот аҳлларида, шунингдек, балоғатга етмаган болалар, жинни ва муҳсарга (ҳаждан тўсилганга) лозим бўлмайди. Булардан ташқари, фақат умра қилиш учун келган офоқийларга ҳам вожиб эмас.

("ад-Дуррул мухтор", "Ғунятун носик").

Тавофи вадоеъ ҳақида тўлиқ тафсилотлар "Тавофи вадоеънинг ҳукмлари" бобида келади.

4. Умра тавофи. Умра қилувчига умра тавофи рукн (фарз)дир. Бу тавофда изтибоъ ва рамал қилиш суннатдир. Тавофдан кейин Сафо ва Марва орасида саъй қилиш вожибдир ("Муаллимул ҳужжож").

Бунинг барча тафсилотлари учун “Умра масалалари” бобига мурожаат қилинг.

5. Тавофи назр. Агар бирор шахс менинг фалон ишим битса, Аллоҳ учун Байтуллоҳни бир тавоф қиламан деб айтса, бу унинг тарафидан назр деб ҳисобланади ва иши рўёбга чиққач, бу тавофни адо этиш унга вожиб бўлади.

("Муаллимул ҳужжож")

6. Тавофи таҳийя. Масжиди Ҳаромга кирувчи киши учун кирган заҳотиёқ Каъбатуллоҳни тавоф қилиши мустаҳаб амалдир. (Ундан кейин икки ракъат тавоф намози ўқилади). Бошқа масжидларга кирувчи учун икки ракъат таҳийятул масжид намозини ўқиш, Масжиди Ҳаромга кирувчи учун эса (таҳийятул масжид намози ўрнига) таҳийя тавофини қилиш мустаҳабдир. Агар бирор киши Масжиди Ҳаромга кириши биланоқ тавофи зиёрат ёки тавофи қудум ёки тавофи назр ёки тавофи умра ёки тавофи вадое қилиб олса, бу таҳийя тавофи ўрнига ҳам қоим бўлиб, қилган бир тавофи билан икки тавофнинг савобига эришади.

("Ғунятун носик", "Муаллимул ҳужжож").

7. Тавофи зиёрат. Бу ҳар бир ҳожига фарз бўлган тавофдир. Унинг омма орасида машҳур бўлган номи тавофи ифозадир. Унинг вақти Арафот вуқуфи(туриш)дан кейингина бошланади. Уни зулҳижжанинг 10-кунидан то 12-кунининг қуёши ботишига қадар адо этиш вожибдир. Тавофи зиёрат мазкур кунлар ўтгандан сўнг адо этилса, тавоф дуруст бўлади-ю, лекин уни вақтидан кечиктиргани сабабли бир қурбонлик ҳам лозим бўлади. Қуйида бу тавофнинг тафсилотлари баён этилади.

ТАВОФИ ЗИЁРАТ МАСАЛАЛАРИ

Тавофи зиёрат номлари

Тавофи зиёрат ҳажнинг муҳим рукни (фарзи) бўлиб, унинг олти номи машхурдир. Улар қуйидагича:

- 1) тавофи зиёрат 3) тавофи ифоза 5) тавофи явмун наҳр
- 2) тавофи фарз 4) тавофи рукн 6) тавофи мафруз

Тавофи зиёрат шартлари

Тавофи зиёрат дуруст бўлиши учун саккизта шарт жуда муҳимдир:

1. Тавоф қилувчининг мусулмон бўлиши. Шунинг учун мусулмон бўлмаган кишининг тавофи дуруст бўлмайди.
2. Каъбатуллоҳ атрофидаги матоф(тавоф қилинадиган майдон)да тавоф қилиш. Шу сабабли Масжиди Ҳаром ташқарисидан қилинган тавоф дуруст эмас. Чунки, бу суратда Каъба эмас, балки масжид тавоф қилинган бўлиб қолади.
3. Тавофни тавоф қилувчининг ўзи қилиши лозимдир. Хоҳ бирор инсон уни кўтарган ҳолда бўлсин, хоҳ бирор нарсага (махсус курси ёки аравага) минган ҳолда бўлсин. Шунинг учун унинг номидан бошқа кишининг ноиблик тарзида (ўринбосар бўлиб) қилган тавофи жоиз эмас.
4. Тавофнинг камида тўрт шавтини(айланасини) мукамал қилиш шарт (фарз)дир. Акс ҳолда тавоф дуруст бўлмайди. Ундан кейинги уч айланаси

вожибдир, фарз эмас.

5. Тавофи зиёратдан олдин эҳромли ҳолатда бўлган бўлиш шартдир. Гарчи, орада Арафот ва Минонинг баъзи амалларидан фориғ бўлгани сабабли тавофдан олдин эҳромдан чиққан бўлса ҳам. Масалан, Арафотда туриш, Муздалифада туриш, Ақаба тошини отиш ва қурбонлик қилишдан фориғ бўлгач, соч қирдириб, эҳромдан чиқиш ва кейин (эҳромсиз ҳолатда) тавофи зиёрат қилиш жоиздир.

6. Тавофдан олдин Арафотда турган бўлиш шарт. Шунинг учун Арафотда туришдан олдин қилинган тавофи зиёрат дуруст бўлмайди.

7. Тавоф вақтида фарз тавофни ният қилиш шарт. Шунинг учун, агар фарз тавофни адо этиш ният қилинмаса, тавофи зиёрат дуруст ҳисобланмайди.

8. Тавоф явмун наҳр (ҳайит куни) ёки ундан кейин қилиниши лозим. Агар тавофи зиёрат явмун наҳрдан олдин қилинса, бу тавоф дуруст бўлмайди. Явмун наҳрдан бошлаб уч кун, яъни 12-зулҳижжанинг қуёши ботгунга қадар тавофи зиёрат қилиш бекароҳат жоиздир. Агар тавоф 12-зулҳижжанинг қуёши ботган заҳотиёқ ёки бирор кун ўтиб қилинса, кечиктирилгани учун бир қурбонлик лозим бўлади. Лекин, тавоф саҳиҳ (дуруст) бўлаверади.

Юқоридаги саккиз шартдан бирортаси топилмаса ҳам тавофи зиёрат дуруст бўлмайди. Мазкур саккиз шартдан аввалги тўрт шарт ҳар қандай тавоф учун лозимдир. Охирги тўрт шарти эса фақат тавофи зиёратга хосдир, яъни бошқа тавофлар учун шарт эмас.

("Бадойиъус санойиъ", "Раддул муҳтор", "Ғунятун носик")

Тавофи зиёратнинг вожиблари

Тавофи зиёратнинг вожиблари еттита бўлиб, улар:

1. Қудрати етса, тавоф чоғида пиёда юриш. Шу сабабли узрсиз, бирор миниладиган нарсада тавоф қилса, вожибни тарк этгани сабабли бир қурбонлик лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

2. Тавофнинг етти айланасини мукамал қилиш. Шунинг учун, агар бир айлана қолиб кетса ҳам, вожибни тарк этгани сабабли бир қурбонлик лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

3. Тавоф вақтида таҳоратли ҳолда бўлиш. Шунинг учун тавофи зиёрат бетаҳорат қилинса, вожиб тарк этилгани учун бир қурбонлик (қўй ёки эчки) лозим бўлади. Агар тавофнинг ҳаммаси ёки аксар қисми жунублик ё ҳайз ёки нифос ҳолатида қилинса, жаримасига мол ёки туя сўйиш вожиб бўлади. Агар тавоф айланаларининг камроғи ҳайз ё нифос ёки жунублик ҳолида қилинса, бир қурбонлик, яъни қўй ёки эчки лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

4. Тавоф пайтида аврат аъзоларининг ёпиқ бўлиши. Шунинг учун, агар (намоз дуруст бўлмайдиган даражада) авратнинг бирор қисми очиқ ҳолда тавоф қилинса, вожиб тарк этилгани сабабли қурбонлик лозим бўлади.

5. Айёmun наҳр (қурбонлик кунлари), яъни 10-зулҳижжанинг тонгидан бошлаб 12-зулҳижжанинг қуёши ботгунча тавофи зиёрат қилиш. Шунинг учун 12-кун ўтиб кетса-ю, тавофи зиёрат қилинмаса, балки кейин қилинса, фарз тавоф адо бўлади-ю, лекин кечиктирилгани сабабли жарима сифатида жонлиқ (қўй ёки эчки) сўйиш вожиб бўлади.

("Раддул муҳтор", "Муаллимул ҳужжож", "Ғунятун носик")

6. Тавофни Каъбага нисбатан ўнг тарафдан, яъни чап елкани Каъбатуллоҳ тарафга қаратган ҳолда қилиш. Агар чап тарафдан, яъни тескарисига тавоф қилинса, жаримасига бир қурбонлик лозим бўлади.

("Биноя", "Раддул муҳтор").

7. Тавофдан кейин икки ракъат тавоф намози ўқиш. Бу фақат тавофи зиёратга эмас, балки барча тавофларга ҳам тааллуқлидир. Лекин тавоф намози тарк қилинганда қурбонлик лозим бўлмайди. Ҳожи мазкур тавоф намозини ҳаёти давомида то ўлимигача ўқиб олиши мумкин. Яна бу намозни Ҳарам ҳудудида ёки Ҳарам ҳудудидан ташқарида (ҳатто ўз ватанида) ҳам ўқиса, жоиздир.

("Ғунятун носик").

Тавофи зиёратнинг муҳим суннати

Тавофи зиёратнинг муҳим суннати – ҳожи ҳайит куни Ақба тошини отгандан сўнг (агар қурбонлик вожиб бўлса, у ҳам сўйилгандан кейин) сочини қирдириб, ўша куниёқ тавофни адо этишидир. Гарчи ҳайит куни тавофи зиёратни жонлиқ сўйиш ва соч олдиришдан олдин қилиш жоиз бўлса-да, бу суннатга хилофдир ("Раддул муҳтор").

Тавофнинг бундан бошқа яна жуда кўп суннатлари бор. Улардан баъзиларини ўз ўрнида алоҳида-алоҳида зикр қиламиз.

Тавофи зиёратни кечиктириш туфайли қурбонлик вожиб бўлиши

Тавофи зиёратни қурбонлик кунлари, яъни 10-зулҳижжанинг субҳи содиғидан бошлаб 12-зулҳижжанинг қуёши ботгунига қадар қилиб олмоқ

вожибдир. Мазкур тавофни бу кунлардан кечиктириш макруҳи тахримий ҳамда қурбонликни вожиб қилувчидир. Шунинг учун, агар бирор киши 12-зулҳижжанинг қуёши ботгунга қадар тавофи зиёрат қилмаса, унинг зиммасига тавофни адо қилиш билан бирга (тавофни ўз вақтидан кечиктиргани учун) жарима сифатида бир қурбонлик ҳам вожиб бўлади.

("Ғунятун носик", "Фатово Тоторхонийя")

Қурбонлик кунининг субҳи содиқидан олдин тавофи зиёрат қилиш

Агар ҳожи явмун наҳр (қурбонлик куни), яъни 10-зулҳижжанинг субҳи содиқидан олдин тавофи зиёрат қилиб олса, унинг бу тавофи дуруст бўлмайди ва у ҳали тавофи зиёрат қилмади, деб ҳисобланади. Ҳажнинг энг муҳим рукни бўлган тавофи зиёрат унинг зиммасида боқий тураверади. Чунки, ҳар қандай ибодат ҳам ўз вақтидан олдин адо этилса, дуруст бўлмайди.

Демак, тавофи зиёратнинг вақти 10-зулҳижжанинг субҳи содиқидан олдин эмас, балки субҳи содиқдан кейин бошланар экан. Баъзи одамлар тавофи зиёратни кечаси, яъни тонг отишидан олдин қилиб оладилар. Ваҳоланки, бундай қилиш катта хатодир.

("Ғунятун носик", "Раддул мухтор").

Аёл киши 12-зулҳижжанинг қуёши ботгунча тавофга угурмади, сўнг ҳайзи келди

Эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам тавофи зиёратни 12-зулҳижжагача кечиктириш жоиз.

Айтайлик, бир аёл тавофи зиёратни 12-зулҳижжанинг қуёши ботишигача бемалол тавоф қилса бўладиган вақт қолгунча кечиктирса-ю, (ҳолбуки,

бундай қилиш дуруст эди, лекин) тўсатдан ҳайзи келиб қолса ва шу сабабли тавоф қила олмаса, бу суратда у аёл узрли ҳисобланади. Шунинг учун унга бирор қурбонлик лозим бўлмайди. Агар тавофи зиёратни қуёш ботишигача тавоф қилса бўладиган вақт қолмайдиган даражада кечиктирса, унда у аёл ҳаддидан ошган ҳисобланиб, қурбонлик қилиши вожиб бўлади.

Бундан ташқари, аёл кишининг ҳайзи қурбонлик кунларидан олдин бошланса ва у қурбонлик кунлари ўтгунча давом этса, бундай ҳолатда ҳам аёл киши узрли ҳисобланади ва унга бирор қурбонлик лозим бўлмайди. Фақат ҳайздан пок бўлгандан сўнг тавофни адо этса, бас. ("Раддул муҳтор", "Ғунятун носик")

12-куни тавоф миқдорича вақт қолганда ҳайздан покланиши

Аёл киши зулҳижжанинг 12-куни тавоф миқдорича вақт қолганда ҳайздан пок бўлди, лекин тавоф қилмади нима бўлади?

Агар аёл киши қурбонлик кунларида ҳайз ёки нифос ҳолатида бўлса ва 12-зулҳижжанинг қуёши ботишидан салгина олдин, яъни ғусл қилиб Ҳарам шарифга етиб бориб, мукамал тавофни ёки энг ками тўрт айланасини адо этса бўладиган вақт қолганда пок бўлса, лекин поклангандан кейин ҳам бу вақт оралиғида тавоф қилмаса, бу суратда у аёлга тавоф қилиш ҳам, жаримасига қурбонлик сўйиш ҳам вожиб бўлади.

Агар у аёл хотиржам ғусл қилиб, Ҳарам шарифга етиб бориб, тавоф қила олмайдиган вақт қолганда пок бўлса, унинг шаръий узри гўёки, 12-зулҳижжа ўтгунча ҳам тугамаган ҳисобланади. Шунинг учун унга бирор қурбонлик лозим бўлмайди, фақат тавоф қилишнинг ўзи кифоя.

("Раддул муҳтор").

Тавофи зиёратни ҳайз ёки нифос сабабли кечиктириш

Агар қурбонлик кунлари аёл киши ҳайз ёки нифосли бўлса ва унинг шу ҳолатида қурбонлик кунлари ўтиб ҳам кетса, бундай суратда у аёл тавофи зиёратни вақтидан кечиктиргани сабабли гуноҳкор ҳисобланмайди. Унга бирор фидя ёки қурбонлик ҳам вожиб эмас, балки пок бўлганидан кейин тавоф қилиши лозим бўлади, халос.

("ал-Баҳрур роиқ", "ад-Дуррул мухтор", "Ғунятун носик").

Ҳайз ҳолатида тавофи зиёрат қилиш

Агар аёл киши илмсизлик ёки бепарволик билан ҳайз ҳолатида тавофи зиёратнинг ҳаммаси ёки кўпроқ айланасини адо этса, масалан, аёлга тавофнинг уч айланасидан кейин ҳайз қони келиб қолса ва у ўша ҳолатда қолган тўрт айланани мукамал қилса, унга жарима сифатида бадана (туя ёки мол) вожиб бўлади. Агар у қурбонлик кунлари ичида (албатта, ҳайздан пок бўлгач, ғусл қилиб) мукамал тавофни ёки ҳайз ҳолатида қилинган айланаларни қайта бажарса, ундан каффорат соқит бўлади, яъни унга бирор жарима лозим бўлмайди. Агар (ўша аёл қурбонлик кунлари тугашигача тавофнинг аксар айланасини адо этишга етадиган даражада вақт қолганда пок бўлса-ю, лекин) тавофни қурбонлик кунлари ўтгандан кейин қайта бажарса, унда кечиктиргани сабабли қурбонлик (қўй ёки эчки) лозим бўлади.

("Ғунятун носик")

Тавофи зиёратнинг камроқ айланасини ҳайз ҳолатида эдо этиш

Агар аёл киши тавофи зиёратнинг камроқ айланасини ҳайз ҳолатида бажарса, масалан, тўрт айланани адо этгандан сўнг ҳайзи бошланса ва шу ҳолатида қолган уч айланани ҳам охирига етказса, у аёлга бир қурбонлик вожиб бўлади. Агар ўша айланаларни қурбонлик кунлари ўтгунча қайта бажарса, унда каффорат қурбонлиги соқит бўлади. Агар қурбонлик

кунлари ўтгандан кейин қайта бажарса, ҳар бир айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериши лозим бўлади. Чунки, бу – тавофи зиёратнинг камроқ айланасини қурбонлик кунларидан кечиктиришнинг жаримасидир.

("Ғунятун носик")

Ҳайзли ёки нифосли аёл ҳамда жунуб киши ҳукмда тенгдир

Жарима ва каффоратни адо этишда жунуб киши, ҳайзли ёки нифосли аёл – уччови ҳам ҳукмда тенгдирлар.

("ал-Баҳрур роиқ").

Зарурат сабабли ҳайз ҳолатида тавофи зиёрат қилиш

Арафотда туриш ва тавофи зиёрат – бу иккови ҳажнинг асосий рукнлари бўлиб, буларсиз ҳаж ҳаж бўлмайди. Шунинг учун ўта жиддий узр сабабли ҳам мазкур икки рукн зиммадан соқит бўлмайди. Ҳожи Арафот ёки тавоф қилинадиган жойга ўзи бормай, бошқа кишини (бу икки рукнни бажариш учун) ўрнига ноиб(ўринбосар) этиб тайинлаши ҳам жоиз эмас. Бу икки рукндан ташқари, ҳажнинг хоҳ суннат, хоҳ вожиб амаллари бўлсин, қаттиқ узр сабабидан зиммадан соқит бўлади. Баъзи амалларда ноиблик ҳам жоиздир. Масалан, Муздалифада туриш қаттиқ тиқилинч сабабли камқувват ҳамда заиф кишилардан соқит бўлади ва қурбонлик ҳам лозим бўлмайди.

Ҳайз ва нифос сабабли аёл кишидан тавофи вадое соқит бўлади ва қурбонлик лозим бўлмайди. Яна тиқилинч сабабли камқувват кишилар номидан вакиллари ноиб бўлиб, тош отишлари ҳам жоиз.

Шу ўринда савол пайдо бўлади: ҳанафийлар наздида тавоф чоғида таҳоратли бўлиш вожибдир, фарз эмас. Муздалифада туриш, тавофи вадое ва бошқа вожиблар узрлар сабабли авф қилинганидек, тавоф пайтидаги

тахоратнинг вожиблиги ҳам ҳайз ёки нифос узри сабабли (хусусан, улов ва сафардошлар аёлнинг пок бўлишини кутмаган пайтда) соқит бўлиши керак эмасми?

Бунга қуйидагича жавоб берилади:

Вожиблар икки турли бўлади:

1. Бир вожиб борки, унинг ўзи алоҳида мустақил амал бўлади, яъни у бошқа бир амалнинг жузъи бўлмайди.

2. Яна бир вожиб борки, ўзи алоҳида мустақил амал бўлмай, иккинчи бир амалга жузъ бўлади.

Бошқа амалнинг жузъи бўлмай, балки ўзи алоҳида мустақил бўлган вожиб амал узрлар сабабли зиммадан соқит бўлади. Масалан, Муздалифада туриш камқувват ҳамда заиф кишилардан тикилинч узри сабабли соқитдир. Тавофи вадоеъ ҳам ҳайз ёки нифос узри сабабли зиммадан соқит бўлади. Гоҳида узр сабабли бундай вожибни адо этишда ноиблик, яъни бошқа кишининг бажариши ҳам жоиз бўлади. Мисол учун, тош отишдаги ноиблик.

Лекин ўзи алоҳида мустақил амал бўлмай, балки бошқа амалнинг жузъи бўлган вожиб узрлар сабабли зиммадан соқит ҳам бўлмайди, унда бошқа кишининг ноиблиги ҳам жоиз эмас. Тавофдаги таҳорат ҳам шу турдаги вожиблардандир. Шунинг учун бунда узрлар сабабли ноиблик ҳам мумкин эмас ва у ҳеч қачон зиммадан соқит ҳам бўлмайди. Шу боис аёл киши тавофи зиёратни шериклари ҳамда уловининг жўнаб кетиш узри сабабли ҳайз ёки нифос ҳолатида адо этса, унинг тавофи фарз тавоф ўрнига ўтади. Лекин жарима сифатида бадана (туя ё мол ёки қўтос) қурбонлиги вожиб бўлади. Мазкур вожиб, яъни тавофдаги поклик зиммадан узр сабабли

соқит бўлганда эди, уни тарк этиш (нопок ҳолда тавоф қилиш) билан қурбонлик вожиб бўлмас эди. Бу жарима қурбонлиги Ҳарам ҳудудида сўйилиши лозим, албатта, қурбонлик кунлари бўлиши шарт эмас. Агар пок бўлгандан кейин тавофни қайта адо этса, жарима зиммадан бутунлай соқит бўлади.

("Бадойиъус санойиъ", "Фатово Тоторхонийя", "ал-Баҳрур роиқ",

"Раддул мухтор", Маорифус сунан"лар асосида)

Тавофи зиёратда жунублик билан ҳайз ва нифоснинг фарқи

Жунублик умуман олганда, ихтиёрий ишдир, ундан покланиш ҳам инсон ихтиёридадир. Шунинг учун киши жунублик ҳолатида тавофи зиёрат қилса, лекин уни поклангандан сўнг қурбонлик кунлари ичида эмас, балки у кунлар ўтгандан кейин қайта бажарса, жаримасига (жунублик ҳолатида тавоф қилгани сабабли) вожиб бўлган бадана (туя, мол, қўтос) соқит бўлади, лекин тавофни кечиктиргани сабабли бир қўй ёки эчки қурбонлиги лозим бўлади. Албатта, наҳр (қурбонлик) кунлари ичида тавофни қайта адо этса, бадана соқит бўлиш билан бирга унга қўй ёки эчки жаримаси лозим ҳам бўлмайди.

Ҳайз ва нифос эса Аллоҳ таоло томонидан берилган узрдир. Ундан пок ва холи бўлиш аёл кишининг ўз ихтиёрида эмас. Шунинг учун шариат ҳайз ва нифос ҳолатидаги аёлга тавофи зиёратни қурбонлик кунлари ўтгунгача ҳам кечиктиришга ижозат беради.

Дейлик, аёл киши ҳайз ҳолатида тавофи зиёрат қилди ва қурбонлик кунлари ўтгандан сўнг пок бўлиб, ҳайз ҳолатида қилинган тавофни қайта бажарди. Мазкур суратда унинг зиммасидан бадана жаримаси соқит бўлади, тавофни вақтидан кечиктиргани учун қўй ёки эчки жаримаси ҳам лозим бўлмайди.

Агар аёл киши қурбонлик кунлари тугашига бир оз вақт қолганда ҳайздан пок бўлса ва ўша муддатда ғусл қилиб, Ҳарами шарифга бориб, тавофи зиёратни бемалол қайта адо этишга имкони бўлса-ю, лекин бу муддатни тавоф қилмай ўтказиб юборса ва уни кейинроқ ғусл қилгач, қайта бажарса, у аёлдан (тавофи зиёратни ҳайз ҳолатида қилгани учун вожиб бўлган) бадана қурбонлиги соқит бўлади. Лекин, ҳеч бир узрсиз тавофни қайта адо этишни кечиктиргани учун бир қўй ёки эчки қурбонлик қилиш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик")

Жунублик ҳолатида тавофи зиёрат қилиш

Агар бирор киши аёли билан қўшилиб ёки уйқусида ихтилом бўлиб, ғусл қилмасдан, яъни жунублик ҳолатида тавофи зиёрат қилса, бунинг сабабидан у қаттиқ гуноҳкор бўлади ва жарима сифатида бир мол ёки туя қурбонлик қилиши ҳам вожиб бўлади. Агар қурбонлик кунлари ўтгунча тавофни қайта бажарса, жарима қурбонлиги буткул кечирилади. Аксинча, қурбонлик кунлари ўтгандан кейин бажарса, туя ёки мол жаримаси унинг зиммасидан соқит бўлади-ю, лекин тавофни вақтидан, яъни қурбонлик кунларидан кечиктиргани сабабли бир қўй ёки эчки сўйиши вожиб бўлади.

Тавофи зиёратнинг аксари, яъни тўрт ёки ундан зиёда айланасини жунублик ҳолатида адо қилган кишининг ҳукми ҳам шудир.

("Фатово ҳиндийя", "Ғунятун носик")

Тавофи зиёратнинг камроқ айланасини жунублик ҳолатида бажариш

Агар бирор шахс жунублик ҳолатида тавофи зиёратнинг уч ёки бир-икки айланасини адо қилгандан сўнг ғусл қилиб, қолган айланаларини мукамал қилса, унга тавофи зиёратнинг камроқ айланасини жунублик ҳолатида бажаргани сабабли бир қурбонлик (қўй ёки эчки) сўйиш вожиб бўлади. Агар ғусл қилгач, бу (жунублик ҳолатида қилинган) айланаларни

қурбонлик кунлари ичида қайта бажарса, қурбонлик соқит бўлади. Аксинча, қурбонлик кунлари ўтгандан кейин бажарса, кечиктиргани сабабли ҳар айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик")

Жунуб ҳолатида тавофи зиёрат қилишнинг жаримаси

Тавофи зиёратдан олдин аёли билан қўшилган кишининг ҳажи фосид бўлмайди, лекин унга бир бадана, яъни туя ёки мол қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Агар иккинчи бор қўшилса, унда бир қўй ёки эчки қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Аёли билан қўшилгандан сўнг, ўша (жунублик) ҳолатида тавофи зиёрат ҳам қилса, унда яна бир бадана вожиб бўлади. Демак, мазкур суратда ҳаммаси бўлиб учта жарима: икки бадана ва бир қурбонлик (қўй ёки эчки) лозим бўлар экан.

("Бадойиъус санойиъ").

Тавофи зиёратни қурбонлик кунларидан узрсиз кечиктириш

Агар аёл кишининг (Аллоҳ берган) ҳайз, нифос каби узри бўлмаса ҳам, Минодан келишда кечикиши ёки тиқилинч сабабли тавоф қила олмаса ёки "бугун қиламан, эртага қиламан" билан қурбонлик кунларини ўтказиб юборса ва натижада тавофи зиёрат ўз муддатидан кечикса, унга вожибни тарк этгани учун бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади (чунки, тавофи зиёрат қурбонлик кунларида адо этилиши вожиб эди). Мазкур ҳукм эркак кишига ҳам тегишлидир.

("Ғунятун носик").

Тавофнинг аксар қисмини қуёш ботгандан кейин адо этиш

Агар ҳожи тавофи зиёратнинг аксар қисми, яъни тўрт айланасини 12-зулҳижжанинг қуёши ботишидан олдин, қолган уч айланани эса қуёш

ботган заҳотиёқ ёки эртасига бажарса, (тавофнинг аксар айланасини қурбонлик кунларининг ичида адо этгани учун) унга қурбонлик лозим бўлмайди. Агар тавофи зиёратнинг учта айланасини адо қилгандан сўнг 12-зулҳижжанинг қуёши ботиб кетса ва қолган тўрт айланани қуёш ботиши биланоқ ёки кейинроқ адо этса, у ҳолда қурбонлик (қўй ёки эчки) вожиб бўлади.

("Ғунятун носик")

Тавофнинг камроқ айланасини қуёш ботгандан кейин адо этиш

Агар ҳожи тавофнинг тўрт айланасини 12-зулҳижжанинг қуёши ботгунга қадар ва қолган уч айланани қуёш ботгандан сўнг адо этса, ҳар айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериш лозим бўлади.

("Ғунятун носик").

Эркак киши Аллоҳ берган узр сабабли тавофи зиёратни кечиктирса...

Агар узр сабабли бирор вожиб тарк бўлса, қурбонлик лозим бўладими ёки йўқми? Бунинг тафсилоти қуйидагича. Узрлар икки хил бўлади:

1. Инсон тарафидан содир бўладиган узр.

Агар инсон тарафидан содир бўладиган узр сабабли вожиб тарк бўлса, унинг каффорати кечирилмайди, балки лозим бўлади. Масалан, эҳромдаги кишига бирор инсон мажбурлаб хушбўй суртса ёки уни бирор инсон Муздалифада вуқуф қилишдан манъ қилса ва вуқуф вақти ўтиб ҳам кетса, бу суратда кишига вожибни тарк этгани сабабли қурбонлик лозим бўлади.

2. Аллоҳ тарафидан бериладиган узр.

Бундай узрлар сабабидан вожиб тарк бўлса, қурбонлик лозим бўлмайди. У гуноҳкор ҳам бўлмайди. Масалан, киши тиқилинч сабабидан Муздалифа вуқуфини тарк қилса ёки ҳайз, нифос, касаллик, қамалиб қолиш ёки ногоҳ содир бўлган ҳодиса сабабидан тавофи зиёратни кечиктирса, ҳаттоки, қурбонлик кунлари ўтиб кетгунча ҳам тавоф қила олмаса, бу суратда у тавофнинг (қурбонлик кунларида бажариш) вожибини тарк этгани сабабли гуноҳкор ҳам эмас, зиммасига қурбонлик ҳам вожиб бўлмайди. Чунки, мазкур узрларнинг пайдо бўлиш ёки бўлмаслигида инсон ихтиёри ва хоҳишининг дахли йўқ.

Ҳижрий 1417 йил Минода ўт кетгани сабабли оловда қолиб, қурбонлик кунлари ўтгунча шифохонада ётганлар ёки бирор тавоф қилдирувчи топа олмаган кишиларга тавофи зиёратни кечиктирганлари боис қурбонлик вожиб бўлмаган. Улар гуноҳкор ҳам эмас эдилар.

Фуқоҳолар бу ҳукмни шундай лафзлар билан нақл қиладилар:

"Узр сабабидан вожиблар тарк бўлса, бирор жарима лозим бўлмайди. Лекин, бу узрдан мурод Аллоҳ тарафидан берилган узрдир. Шунга биноан, одамлар тарафидан рўй берадиган узр каффоратни соқит қилувчи узр ҳисобланмайди. Агар кишини Муздалифа вуқуфидан (масалан) душманлар тўхтатиб қолса, унга қурбонлик лозим бўлади. Аксинча, издиҳом (тиқилинч) хавфи сабабли Муздалифадаги вуқуф тарк бўлса, бу узр Аллоҳ тарафидандир. Шунинг учун бу суратда ҳожига бирор каффорат лозим эмас.

Қоида шуки, қайси узр ҳақида насс ворид бўлган, яъни уни оят ёки ҳадисда узр деб, эътиборга олинган бўлса, у Аллоҳ тарафидандир. Издиҳом (тиқилинч) хавфи борлиги ёки заифлик сабабидан Муздалифа вуқуфининг тарк бўлиши, ҳайз ёки нифос ёки қўлга тушиб қолиш ёки касаллик сабабли (касални кўтариб юрувчи топилмаганда ёки кўтариб олиб юришга касалнинг тоқати етмаганда) тавофи зиёратни қурбонлик

кунларидан кечиктириш, булар ҳаммаси шундай, яъни Аллоҳ томонидан берилган узрлардир".

("Фунятун носик").

Тавофи зиёратнинг учта айланасини қолдириб, ватанга қайтиш

Агар ҳожи тавофи зиёратнинг учта айланасини қолдириб, ватанига қайтиб кетса, унинг зиммасига Ҳарамда қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Бунинг учун у Ҳарами шарифга кетаётган бирор киши орқали қурбонлик пулини бериб юбориши ва ўша киши унинг тарафидан Ҳарам ҳудудида қурбонлик сўйдириши лозим. Унинг ҳажи шундагина дуруст ҳисобланади.

("Фатово Тоторхонийя", "Фунятун носик")

Тавофи зиёратнинг кўпроқ айланаси тарк этилса, нима бўлади?

Тавофи зиёрат ҳажнинг рукнидир. Унинг етти айланасидан тўрттаси фарз ва учтаси вожибдир. Агар ҳожи тавофи зиёратнинг уч айланасини адо қилса-ю, қолган тўрттасини тарк қилса, унинг зиммасида фарз боқий тураверади. Киши тавофи зиёратдан олдин аёли билан қўшилганда зиммасига бадана (туя, қорамол ёки қўтос) вожиб бўлганидек, тавофнинг тўрт айланасини адо қилишдан олдин аёли билан қўшилганда ҳам, бадана вожиб бўлади. Энг ками тўрт айланани адо қилмагунча аёли (билан қўшилмоқ) унга ҳаром бўлиб тураверади. Аёли билан биринчи қўшилгани учун бадана вожиб бўлади. Кейин жойни ўзгартириб иккинчи марта қўшилса, бир қурбонлик вожиб бўлади, башарти, иккинчи бор қўшилганда эҳромни тарк этишни ирода қилмаган бўлса. Агар эҳромни ташлашни ирода қилса, иккинчи бор қўшилиши сабабли қурбонлик (қўй ёки эчки) вожиб бўлмайди. Модомики, эҳромга қайтиб, тавофи зиёратнинг энг ками тўрт айланасини мукамал қилмагунча, бу ҳукм боқий тураверади. Бу тўрт айлананинг ўрнини босадиган бирор фидя (садақа) ҳам, бадал ҳам йўқ, яъни мазкур тўрт айланани бажаришдан ўзга чора йўқ.

("Фунятун носик").

Тавофи зиёратнинг камроқ айланасини тарк қилиш

Агар хожи тавофи зиёратнинг кўпроқ айланасини адо этиб, камроғини, яъни уч ёки ундан кам айланасини қолдириб кетса, зиммасига қурбонлик вожиб бўлади. Агар қолдирилган айланаларни қурбонлик кунлари тугагунга қадар адо этиб олса, жарима қурбонлиги соқит бўлади. Аксинча, қурбонлик кунлари ўтгандан кейин адо этса, ҳар айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериш вожиб бўлади.

("Ғунятун носик").

Аравага минган ҳолда тавофи зиёрат қилиш

Ҳожи тавофи зиёратни бирор узрсиз, аравага минган ҳолатда адо қилса, унга бир қурбонлик вожибдир. Агар тавофни бошқатдан яёв(пиёда) юриб бажарса, қурбонлик соқит бўлади. Касаллик ё заифлик ёки қувватсизлик сабабли уловда тавофи зиёрат қилиш бекароҳат дурустдир. Уни хоҳ инсон кўтариб тавоф қилдирсин, хоҳ арава ёки курси устида ўтириб тавоф қилсин, ҳар қайсиси жоиз.

("Ғунятун носик").

Тавофи зиёратда ноиблик (ўринбосарлик) қилиш

Тавофи зиёратда ёки бошқа ҳар қандай тавофда томм(мукамал) ноиблик жоиз эмас. Лекин ноқис ноиблик жоиз. Бирор кишининг зиммасида тавоф қилиш лозим бўлса-ю, ўзи тавоф қиладиган жойга бормаса ва бошқа киши унинг ўрнига тавоф қилса; ёки тавоф қиладиган жойга борса ҳам, ўзи тавоф қилмай, бошқа шахс унинг ўрнига тавоф қилса, мана шу томм ноиблик дейилади. Тавофларда (гарчи, узр бўлса ҳам) бундай ноиблик жоиз эмас. Агар шундай қилинса, фарз тавоф ҳожининг зиммасида боқий тураверади.

Ноқис ноибликнинг маъноси ҳожини бошқа шахс кўтариб олиб ёки уловга миндириб тавоф қилдирмоғидир. Бундай қилиш эса узрли киши учун жоиздир.

("Раддул муҳтор", "Минҳатул Холиқ").

Тавоф қилдирувчининг тавофи

Бошқа одамни қўлида ёки елкасида кўтариб, ёхуд уловга ёки курсига миндириб тавоф қилдирувчи кишилар ўз тавофлари учун ҳам ният қилиб олсалар, уларнинг тавофлари ҳам дуруст бўлади.

("Ғунятун носик").

Уловга миниб тавоф қилишнинг шарти

Агар узрли кишини уловга ёки елкага миндириб тавоф қилдиришга тўғри келса, башарти ўша узрли ёки касал киши ҳушида бўлса, унинг амри ва ижозати билан тавоф қилдирмоқ лозим бўлади. Агар унинг ижозати бўлмаса, тавофи дуруст ҳисобланмайди. Шу билан бирга, унинг тавофи дуруст бўлиши учун тавоф қилишга ўзи ният қилган бўлиши ҳам шарт. Албатта, агар узрли киши беҳуш бўлса, унинг нияти ҳам, ижозати ҳам шарт эмас. Шунга ўхшаш, агар узрли киши тавоф қилдирувчига ўзини уловга миндириб тавоф қилдириш учун ижозат берса ва улов устида кетаётиб, тавофни бошлашдан олдин ухлаб қолса ёки ҳушидан кетса, кейин шу ҳолатда уни тавоф қилдирилса, гарчи узрли киши тавоф вақтида ният қилмаган бўлса ҳам, тавофи дуруст бўлаверади.

("Ғунятун носик").

Тавофи зиёратни бетаҳорат ҳолда адо этиш

Агар ҳожи тавофи зиёратнинг ҳаммаси ёки аксарини, яъни тўрт ёки ундан кўпроқ айланасини таҳоратсиз ҳолда адо этса, тавофи дуруст, аммо унга бир қурбонлик лозим бўлади. Қурбонлик жаримасидан қутулиш учун эса тавофни қайтадан қилиши лозимдир. Агар мукамал тавофни ёки бетаҳорат қилинган айланаларни қурбонлик кунларида қайтадан бажарса, унга бирор жарима лозим бўлмайди.

Агар бетаҳорат ҳолда қилган тавофини ёки тавоф айланаларини қурбонлик кунлари ўтгандан кейин янгитдан қайтарса-чи? Бу борада фуқоҳоларнинг уч хил қавллари мавжуд:

Биринчи, “Изоҳул маносик” китобида нақл қилинган қавлга кўра, бундай кишига бирор жарима лозим эмас. Иккинчи қавлга кўра, ҳар айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериш, учинчи қавлга кўра, унга бир қурбонлик сўйиш вожиб бўлади.

Бу уч қавлдан ўртачаси, садақа берилади, деган қавлдир. Қувватли ва фатво берилган қавл ҳам шудир. Шунинг учун ҳар айлана эвазига бир садақа бериш яхшироқдир.

("Ғунятун носик").

Тавофи зиёратнинг камроқ айланасини бетаҳорат ҳолда қилиш

Агар тавофи зиёратнинг тўрт айланасидан кейин кишининг таҳорати кетса ва у қолган уч айланани ўша (бетаҳорат) ҳолда бажарса, таҳоратсиз қилинган ҳар айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой) бериши вожибдир. Агар бу айланаларни (хоҳ қурбонлик кунларида бўлсин, хоҳ қурбонлик кунлари ўтгандан кейин бўлсин) таҳоратли ҳолда қайта бажарса, садақа каффорати соқит бўлади.

("Ғунятун носик").

Тавофи зиёратнинг бир неча айланасини саъйдан кейин адо этиш

Тавофи зиёрат айланаларини кетма-кет қилиш вожиб эмас, балки суннатдир. Шунинг учун, агар киши бир неча айланадан кейин тавофни тўхтатиб, қолган айланаларни қурбонлик кунлари ичида ёки бу кунлар ўтгандан кейин охирига етказса, унинг тавофи дуруст бўлаверади. Лекин, шуни ҳам билмоқ керакки, узрсиз ҳолда шундай қилиш, яъни қолган айланаларни қурбонлик кунларидан кечиктириш суннатга хилофдир. Қолган айланаларни қурбонлик кунларидан кечиктирган кишига жарима ҳам лозим бўлади. Бунда жарима лозим бўлишининг сабаби тавофдаги кетма-кетликни тарк қилиш эмас, балки уни қурбонлик кунларидан кечиктиришликдир.

Шунинг учун, агар киши тавофи зиёратнинг тўрт айланасини ёки ундан кўпроғини адо қилгандан сўнг, қолган айланаларни тўхтатса ва шу ҳолатда ҳажнинг саъйини қилиб, кейин тавофнинг қолган айланаларини мукамал қилса, бу суратда (агар қолган айланаларни қурбонлик кунларида адо қилган бўлса) бирор жарима лозим бўлмайди. Аксинча, қурбонлик кунлари ўтгандан кейин охирига етказган бўлса, тавофи зиёратнинг камроқ айланасини қурбонлик кунларидан кечиктиргани сабабли ҳар айлана эвазига бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериши лозим бўлади. Маълум бўлдики, тавофнинг айланалари орасига ҳажнинг саъйини киргизиш жоиз экан. Лекин, айланаларни кетма-кет бажармаслик суннатга хилоф эканлигини унутмаслик керак.

("Бадойиъус санойиъ", "Фунятун носик").

Тавоф айланаларида кетма-кетлик шарт эмас

Юқорида айтилганидек, тавоф айланалари орасида кетма-кетлик вожиб ҳам, шарт ҳам эмас. Шунинг учун тавоф айланалари орасида бирор зарурат туғилса, уни битиргандан сўнг айланаларни қолган жойидан давом эттириш жоиз ва дурустдир. Бу суратда тавофга бирор нуқсон етмайди.

Мисол учун, бир киши тавофнинг иккита айланасидан кейин таҳорати бузилиб, таҳорат қилиш учун кетса; ёки тавоф асносида жаноза намози ҳозир бўлса; ёки фарз намоз учун жамоат қоим бўлса; ёки бир нечта айланадан кейин тиқилинч ёхуд заифлик сабабидан тавофни тўхтатса; ёки таомланиш ёхуд чанқоқликни кетказиш мақсадида Масжиди Ҳаромдан ташқарига чиқса, бу барча суратларда тавофни тўхтатиб, масжид ичида ёки ташқарисида заруратларни битиргандан сўнг қолган айланаларни тўлдириб, тавофни мукамал қилса, тавоф шаръий жиҳатдан мўътабар ва дуруст бўлаверади. Ҳа, албатта, узрсиз бундай қилиш суннатга хилофдир. Масалан, эрмак учун чой ичиш ёки бирор беҳуда мақсадда тавофни ярмида тўхтатиб, Масжиди Ҳаромдан ташқарига бориб, ҳаяллаб юриш дуруст эмас. Чунки, тавоф айланалари орасида кетма-кетликни сақлаш суннатдир.

("Бадойиъус санойиъ", "Фунятун носик").

Тавофда авратни беркитиш вожиб

Қайси аъзоларни намозда беркитиш вожиб бўлса, уларни тавофда ҳам беркитиш вожибдир. Эркак кишининг аврати – киндигидан тиззасигача; аёл кишининг аврати – юзи, икки кафти ва икки қадами (тўпиғдан пасти)дан ташқари бутун баданидир.

Жуда кўп эркаклар эҳром лунгисини киндикнинг остидан ёки юрганда сонлари очиладиган қилиб боғлайдилар. Жуда кўп аёллар эса, бошларининг баъзи қисмини очиб юрадилар. Бундай қилиш асло жоиз эмас. Тавофи зиёрат, тавофи вадоеъ, тавофи умра ва тавофи назрда (мукамал тавофда ёки тўрт айланада) авратнинг тўртдан бири ёки ундан кўпроғи очилиб турса, тавофни қайта бажариш ёки қурбонлик қилиш вожиб бўлади. Агар тавофи қудум, тавофи нафл ёки тавофи таҳийяда шундай ҳолат юзага келса, бир садақа (ярим соъ буғдой ёки унинг қийматини) бериш лозимдир.

("Фунятун носик")

Нопок кийимда тавоф қилиш

Агар кийимга дирҳам миқдоридан камроқ нажосат (нопоклик) теккан бўлса, у ҳолда бундай кийим билан тавоф қилиш бекароҳат жоиздир. Агар теккан нажосат дирҳам миқдорича ёки ундан зиёда бўлса, бундай кийимда тавоф қилиш макруҳдир. Аммо бу макруҳлик сабабидан бирор жарима вожиб бўлмайди.

Нопок кийимда тавоф қилишнинг мазкур ҳукми - тавофи зиёрат, тавофи вадоеъ, умра тавофи ва нафл тавофга ҳам тегишлидир.

("Фатово Тоторхонийя", "Ғунятун носик")